

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни
Ривожлантириш тошкент вилояти
худудий бошқармаси

Рахбари:  3.Х.Йўлдашов

2022 йил

Давлат харидини амалга ошириш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК


№	Бўлинма номи	Бўлинма изоҳлар
1	Буюртмачи ташкилот номи	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Тошкент вилояти худудий бошқармаси
2	Объект номи	Тошкент вилоятидаги туман ва шаҳар "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролар фаолиятини қўллаб қуватлаш учун субсидия асосида керакли асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш.
3	Танлов тури	Очик
4	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили	Махсус электрон портал http://xarid.uzex.uz
5	Танловни ўтказиш манзили, жойи ва санаси	Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар Тошкент йўли 90- уй. Махсус электрон порталда http://xarid.uzex.uz даги эълонда белгиланган муддат давомида
6	Танловда иштирок этиш учун банк кафолатининг миқдори ва шакли	
7	Танлов тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади	Махсус электрон портал http://xarid.uzex.uz
8	Танловда иштирок этишга қуйидаги иштирокчиларга рухсат этилади	Таклиф этилган шартлар бўйича танловда, электрон мурожат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин
9	Лицензия талаб этиладиган иш	Муофликлик сертификатларлари

	турлари (агар мавжуд бўлса)	
10	Иштирокчиларнинг танлов хужжатлари бўйича тушинтиришлар олиш муддати	Таклифларни топширикнинг охиригидан икки кун олдин
11	Танлов таклифларини такдим килиш муддатлари	http://etender.uzex.uz даги эълонда белгиланган муддат давомида
12	Танлов хужжатининг тили	Ўзбек тилида
13	Танлов таклифининг амал килиш муддати	Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб _____ кун
14	Танлов предметининг объектида ишлатиладиган офферентнинг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари	Талаб этилади
15	Кўшимча хужжатлар рўйхати	Корхонанинг гувоҳномаси устави ва сертификат копиялари
16	Иштирокчилар кўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак	Иштирок этадиган корхонанинг жихозларини етказиб бериш учун техника воситаси мафжудлиги Иштирокчининг йиллик айланма маблағлар миқдори таклиф этилган суммадан ортиқ бўлиши зарур. Йиллик айланма маблағлар миқдори бўйича маълумот банкдан тасдиқланган ҳолда ва қолдиги. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича қарздорлик йўқлиги: уларга нисбатан банкротлик таомили қиритилмаганлиги бўйича маълумот
17	Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили	Таклифларни қабул қилишнинг охиригидан вақти http://xarid.uzex.uz . Сайтида қўрсатилган вақт ва муддат ичида электрон шаклда
18	Таклифларни такдим қилиш тартиби	Талабгор электрон тартибда http://xarid.uzex.uz . Сайти орқали хужжатлари такдим қилади
19	Танлов таклифларини олиш манзили	Махсус электрон портал http://xarid.uzex.uz
20	Танлов таклифларини баҳолаш муддати	5 кунгача
21	Иштирокчиларнинг молиявий қисмларини очилишига руҳсат этиладиган иштирокчилар	Комиссия томонидан овозга қўйиш орқали (уммумий хужжатлар тўпламида 90 % дан юқори бўлганлар)
22	Буюртмачи томонидан белгиланган ишларини	5 кун

	бажарини (маҳсулот етказиб берини) муддати	
23	Молниялангирини манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан
24	Молниялангирини тартиби	Бунда; Танловда ғолиб чиққан ингировчига шартнома бўйича ишлар ўмумий қийматининг 30% миқдорида, дастлабки 10 кунда бажарилган ишга 10 кунда 70 фоиз ўтказлади.
25	Шартнома тили	Ўзбек тилида
26	Шартнома валютаси	Сўмда
27	Мурожат учун телефон	+998909976048
28	Мурожат учун ходим	Давлат харидлари бўйича мутахассис С.Байдуллаев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент вилояти маҳаллабай ишлаш
ва тадбиркорликни ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи, Харид



З.Йўлдашов

октябрь 2022 йил

Тошкент вилояти маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш
бошқармаси харид комиссиясининг

№ 1 -сонли **ЙИҒИЛИШ БАЁНИ**

2022 йил 17 октябрь

Тошкент вилояи.

Комиссия раиси:	З.Йўлдашов	Тошкент вилояти маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
Комиссия аъзолари:	И.Шерматов	Бошқарма бошлиғи ўринбосари
	З.Султонбеков	Бўлим бошлиғи
	Ш.Рахмонов	Бўлим бошлиғи
	А.Исроилов	Бош мутахассис
Комиссия котиби	А.Қўчқоров	Бош мутахассис

КУН ТАРТИБИ:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларига қатъий амал қилинишини белгилаш тўғрисида”ги №67-м – сонли буйруғи ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон қонунига мувофиқ давлат харидларини амалга ошириш бўйича баҳолаш меъзонларини белгилаш.

(З.Йўлдашов, Шерматов, Султонбеков, Рахмонов, Исроилов, Қуандиқов, Йўлдашов)

Комиссия аъзолари раислик қилувчи томонидан кун тартибидаги масала билан таништириб ўтилди.

Хусусан, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларига қатъий амал қилинишини


белгилаш тўғрисида”ги №67-м-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган бўлиб, унга кўра субсидия маблағлари ҳисобидан давлат харидлари ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштиришда харид комиссияси томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) бозор нархларини ўрганиб таҳлил қилиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни назарда тутиб нарх белгиланишини, давлат буюртмачиси иштирокчиларнинг танлаш таклифларини баҳолашда балл усули қўлланилганда, танлаш таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат ўртача 50 фоиз техник кўрсаткичларга (сифати, миқдори, тури, кафолат муддати ва бошқалар) ва нарх кўрсаткичини 50 фоиз миқдорида баҳоланишини таъминлаш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 апрелдаги ПҚ-195-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 252-сон қарори ижросини таъминлаш, Низомга мувофиқ тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар фаолиятини бошлаш учун асбоб ускуналар харид қилиш бўйича келиб тушган ҳамда “online-mahalla” электрон платформасида скоринг тизимидан ўтган аризалар юзасидан харидларни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 7-бобида назарда тутилган талаблар асосида амалга оширилиб келаётганлиги, хусусан унинг ижроси қонуннинг 58-59 – моддаларига асосан электрон тизим орқали амалга оширилаётганлиги қайд этилди.

Хусусан, танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонларни жойлаштириш, харид қилиш ҳужжатлари шартларини ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар асосида баҳолаш меъзонларини белгилаш, натижаларни расмийлаштириш овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган комиссия котиби зиммасига юклатилганлиги қайд этилиб, келгусида харидларни амалга оширишда

баҳолаш меъзонлари белгиланиши лозимлиги, комиссия аъзолари томонидан харидлар юзасидан билдирилган таклифларни инobatга олган ҳолда, келгусида баҳолаш тартибини белгиланиши лозимлиги, таклифларга кўра келиб тушган таклифларни баҳолашда қуйидагича мезон жадвал кўринишида таклиф этилди:

№	Қўйилаётган талаблар	Баҳолаш мезони
1	Буюртмачи томонидан тасдиқланган техник параметрларга иштирокчи томонидан таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник талабларга мос келиши. Техник талабларга тўлиқ мос келган таклиф учун Техник талабларга мос келмаган таклифлар учун Техник талаблар кўрсатилмаганда	10 балл 2 балл 0 балл
2	Асбоб-ускуналар (ишлар ва хизматлар)га берилаётган кафолатлар мавжудлиги. 1-3 йилгача бўлган муддатга 3-5 йилга йилгача бўлган муддатга 5 йилдан кўп бўлган муддатга	3 балл 5 балл 10 балл
3	Ҳарид қилинаётган маҳсулотни етказиб бериш муддати. 1-3 кун 3-5 кун	10 балл 5 балл
4	Таъминотчи томонидан маҳсулотларга бепул сервис хизмат кўрсатиш. 1-3 йилгача бўлган муддатга 3-5 йилга йилгача бўлган муддатга 5 йилдан кўп бўлган муддатга	3 балл 5 балл 10 балл балл
5	Охирги 1 йилда ушбу хизматга ўхшаш хизматларни бажарганлиги тўғрисида. Мавжудлиги Мавжуд эмаслиги	10 балл 0 балл
6	Иштирокчи виждонсиз ижрочилар ягона реестридаги ҳолат. Мавжудлиги Мавжуд эмаслиги	0 балл 10 балл
7	Ташкилот солиқ ва йиғимлар бўйича муддати ўтган қазрлари йўқлиги. Мавжудлиги Мавжуд эмаслиги	0 балл 10 балл
8	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолати. Мавжудлиги Мавжуд эмаслиги	0 балл 10 балл
9	Иштирокчини ва/ёки иштирокчининг банкни оффшор ҳолати тўғрисида. Мавжудлиги Мавжуд эмаслиги	10 балл 0 балл
10	Тендрда қатнашувчи ташкилот билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси босқичида иштирокчининг ҳолати тўғрисида. Мавжудлиги Мавжуд эмаслиги	10 балл 0 балл



Келиб тушган таклифлар ушбу жадвалга кўра белгиланиши барча комиссия аъзоларига таклиф этилди.

Кун тартибидаги масалаларнинг муҳокамасидан сўнг, билдирилган фикр мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидларини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларига қатъий амал қилинишини белгилаш тўғрисида”ги №67-м – сонли буйруғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий риоя қилинишини белгилаб олинсин.

3. “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ давлат харидларини амалга ошириш бўйича харид қилиниши лозим бўлган маҳсулотларни баҳолаш меъзони бўйича берилган жадвалдаги таклифлар ижро учун қабул қилинсин.

4. Юқорида қайд этилган баҳолаш ишларини доимий равишда харидларни жойлаштириш ва баҳолашни амалга ошираётган, харид комиссиясида овоз бериш ҳуқуқи бўлмаган комиссия котиби А.Кўчқаров зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин.

- субсидия маблағлари ҳисобидан давлат харидлари ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштиришда харид комиссияси томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) бозор нархларини ўрганиб таҳлил қилиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни назарда тутиб маҳсулотга дастлабки нарх белгиланиши;

- давлат буюртмачиси иштирокчиларнинг танлаш таклифларини баҳолашда балл усули қўлланилганда, танлаш таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат ўртача 50 фоиз техник кўрсаткичларга (сифати, миқдори, тури, кафолат муддати ва бошқалар) ва нарх кўрсаткичини 50 фоиз миқдоридан баҳоланишини таъминлаш;

- энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчиларнинг танлаш таклифи бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши тавсия этилганлиги инобатга олиш.

5. Комиссия аъзолари харидлар юзасидан келиб тушган таклифларга оғоз берилишида қайд этилган баҳолаш меъзолиарига риоя этилишини аътибор қаратиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

Котиб



А.Қўчқаров

Комиссия аъзолари:



Н.Шерматов




З.Султоббеков



М.Рахмонов



А.Перонов



Б.Қуандиқов

